



АХОЛИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТУҒРИ ҲАРАКАТ КИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

К.Джумакулова

(ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси
институтининг ўқитувчиси)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7106558>

Аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш буйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганиб чиқилган. Республикамиз аҳолисини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш буйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Фавқулодда вазият, зилзила, ҳаракат, тизим, самарадорлик, такомиллаштириш, кўнгилли қутқарувчилар.

Изучен опыт иностранных государств по подготовке населения к правильным действиям при чрезвычайных ситуациях. Дано предложение по повышению эффективности системы подготовки к правильному действию населения республики при ЧС.

Ключевые слова: Чрезвычайная ситуация, землетрясения, действия, система, эффективность, совершенствование, добровольные спасатели.

The experience of foreign countries in preparing the population for the right actions in emergency situations was studied. A proposal to improve the efficiency of the system of preparation for the correct action of the population of the Republic of emergency situations is given.

Keywords: Emergency situation, earthquakes, actions, system, efficiency, improvement, voluntary rescuers.

Фавқулодда вазиятлар (ФВ) дунёнинг исталган мамлакатларида кутилмаганда содир бўлиб, инсонларнинг қурбон бўлиши, жабрланиши, уларнинг ҳаёт фаолияти издан чиқиши, иқтисодиётга турли даражада моддий зарар етказилиши барчамизга маълум.

Фавқулодда вазият деганда одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса. табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат тушунилади. Бундай фавқулодда вазиятларда нафақат ҳудудларнинг ифлосланиши, захарланиши, балки аҳолининг катта қисмини жабрланиши ва қурбон бўлиши кузатилади.



Республикамизда ҳам турли фавқулодда вазиятлар содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлиб, уларни келиб чиқиш сабабига кўра, техноген, табиий ва экологик турларга бўлиниши ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатда белгилаб қўйилган [1].



Шундай экан, ҳудудларимизда, ишлаб чиқариш объектларида эҳтимоли мавжуд бўлган табиий ва техноген фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ишчи-ходимларни муҳофаза қилиш мақсадида турли муҳандислик-техник, ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса аҳолини, ишчи-ходимларни фавқулодда вазиятлар вақтида туғри ҳаракат қилишга ўргатиш буйича тадбирларни самарали амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар вақтида жабрланганлар, қурбон бўлганларни сонини камайтиришда катта рол уйнайди.

Республикамизда аҳолини фавқулодда вазиятларда туғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб [2], жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, жамоа ва яқка тартибда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш, бошқарувнинг барча даражадаги раҳбарларини муҳофаза қилиш буйича ҳаракат қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларда қутқариш ишларини бажариш учун куч ва воситаларни



тайёрлаш ва уларни бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш. фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишда ходимларнинг вазифаларини амалий эгаллай олишига эришиш назарда тутилган.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолини тайёрлаш иш жойларида машғулотлар ўтказиш ва тавсия қилинадиган дастурларга мувофиқ фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни мустақил равишда ўрганиш, кейинчалик уқув машқларида ва машғулотларда олинган билимлар ва малакаларни мустаҳкамлаш йули билан амалга оширилади.

Умумтаълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, касб-хунар таълими уқув юртларининг уқувчиларини, ўрта ва олий уқув юртларининг талабаларини тайёрлаш фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги умумтаълим дастурларига мувофиқ уқиш вақтида амалга оширилмоқда.



Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш фавқулодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, муҳофаза буйича суҳбатлар ўтказиш, маърузалар ўқиш, ўқув фильмлари кўрсатиш, яшаш жойида уқув машқлари ва машғулотларга жалб этиш,



шунингдек уларни қўлланма ва эслатмалар билан таъминлаш, радио эшиттиришлар. теледастурлар намойиш этиш орқали амалга оширилмоқда.

Жумладан. аҳолининг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш соҳасидаги тайёр- гарлигини текшириш мақсадида қўмондон-штаб ўқув машқлари, махсус-тактик ўқув машқлар ва комплекс ўқув машқлари ва машғулотлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Фавқулодда вазият натижасида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш усулини барча аҳоли тоифаси билиши ва удалай олиши, фавқулодда вазиятлар вақтида ўзига ва ўзгаларга ёрдам курсатиши уларнинг сонини камайишига сабаб бўлиши исботланган [3]. Жумладан, иморатларнинг уюми остида қолиб кетган жабрланувчиларда эзилиш синдроми кузатилганда, биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларига амал қилган ҳолда ўз вақтида ва тўғри ёрдам кўрсатиш, уларнинг халок бўлишдан, ногирон бўлиб қолишдан сақлаб қолиш имконини беради.

Шунинг учун. вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари ҳамда фавқулодда вазиятлар хавфи тугилганда ва содир бўлганда туғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида, Фавқулодда вазиятлар бошкармаларининг Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги марказлари ҳамда Фукаро муҳофазаси институти ходимлари томонидан аҳоли орасида давра суҳбатлари, машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошкармалари ва Фукаро муҳофазаси институти ходимлари томонидан 5878 марта оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли орасида суҳбатлар ўтказиш, газета ва журналлар саҳифаларида мақоллар чоп этиш орқали тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, радио, телевидения каналларида чиқишлар сони 564 маротаба, газета ва журналлар саҳифаларида чоп этилган мақолалар 289 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин [8].

Аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг қўламда олиб борилишига қарамай, хали ҳам республикамизда табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар содир бўлиб турибди, улар натижасида бахтга қарши жабрланганлар ва қурбон бўлганлар кузатилмоқда.

Содир бўлган фавқулодда вазиятлар таҳлили шунини кўрсатадики, жабрланганларнинг аскарияти тўғри ҳаракат қилишни билмасликлари оқибатида шикастланадилар, қурбон буладилар. Бундан шундай фикрлаш мумкинки, ҳозирги вақтда фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга



тайёрлаш тўлиқ талаб даражасида эмас. Шу боисдан мазкур муаммони хал этиш борасида фикр ва мулоҳазалар келтирилмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни курсатадики, АҚШда 1979 йили Фавқулодда вазиятларни Бошқариш Федерал Агентлиги (FEMA) тузилган бўлиб, мазкур агентликка барча турдаги фалокатларни бартараф этиш вазифалари юклатилган эди. 2001 йил юз берган террористик ҳаракатлардан сўнг, табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар билан курашувчи кучларни бирлаштириш мақсадида ФВларга қарши курашиш буйича Федерал дастурни босқичма-босқич бажариш вазифалари белгилаб олинди ҳамда уни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш FEMAга топширилди. Дастурда олти йиллик стратегик режа ишлаб чиқилиб, бунда асосан олти фаолият йуналиши белгиланган бўлиб, биринчи навбатда: фукаролар ҳаётига ва саломатлигига таъсир этиши мумкин бўлган хавфларни ҳамда фавқулодда вазиятларнинг келтирадиган моддий зарарини камайтириш;

фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаёт шароити издан чиққан кишиларнинг ҳаёт шароитини яхшилаш;

аҳолини терроризм шароитида тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш;

аҳоли ва мутахассисларни ФВ вақтида тезкор ва ишончли ахборот билан таъминлаш яъни хабар бериш тизимини яратиш вазифалари куйилди.

Белгиланган биринчи фаолият йуналиши буйича аҳоли орасидан фавқулодда вазиятлар вақтида жабрланиши ва қурбон бўлиши эҳтимоллиги юқори бўлган тоифаларини аниқлаб олиш ва улар билан ишлаш режалари ишлаб чиқилди. Режада шу тоифа аҳолини экстремал ҳолатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида машғулотлар олиб бориш, улар билан амалий машғулотлар ўтказиш йулга куйилган. Бундан ташқари, инсонларни ҳалок бўлиши ва соғлигига зарар етишини олдини олиш усуллари таҳлил қилиш ишларига эътибор қаратилди. Аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш орқали, катострофалардан кўриладиган моддий зарар миқдорини сезиларли камайишига эришилган. Юқорида белгиланган аҳолини вақтида огоҳлантириш тадбирларини амалга ошириш мақсадида, 1994 йилда ФВларда огоҳлантириш умуммиллий EAS (Emergency Alert System) тизими ишга туширилди. Мазкур тизимга мувофиқ, маҳаллий телеканаллар, радиотўлқинлар ҳамда уяли алоқа операторларига ФВ ёки бошқа турдаги хавфлар тўғрисида сигнал келиб тушгандан сўнг, бу тўғрисида аҳолига зудлик билан хабар қилиш мажбурияти юклатилди [4].



Аҳолини фавқулодда вазиятлардан тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида, вақтинча ишламайдиган аҳоли тоифаси илмий оммабоп ва укув фильмларни кўрсатиш, шунингдек эслатмалар, варақалар, кўлланмалар тайёрлаш ва аҳолининг кенг қатламлари орасида тарқатиш, радио ва телевидения орқали эшитиришлар ва кўрсатувлар кўрсатиш масалаларига асосий эътибор қаратилади. Бундан ташқари, уларнинг яшаш жойларида ўтказиладиган ўқув машқлари ва машғулотларга жалб қилган ҳолда, уларда кўникмалар ҳосил қилинади.

Мактабгача таълим муасасаси тарбияланувчиларини ҳаётда содир бўлиши мумкин бахтсиз ходисаларга, фавқулодда вазиятларга сабабчи булиб қолмасликлари, улар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курси буйича дастурлар ишлаб чиқилган. Г.Муллағалиева томонидан ишлаб чиқилган дастур “Бола ва бегона кишилар”, “Бола ва табиат”, “Бола ёлғиз уйда”, “Бола кўчада”, “Саломатлик ва ижобий ҳиссиётлари” бўлимлардан ташкил топган. Ҳар бир бўлимни очиб бериш учун 5-бта мавзулар номи ишлаб чиқилган. Бу машғулотларни олиб боришда мультфилм кўрсатиш, яшаш, ўқиш бериш, уйнатиш, мавзу буйича расм чиздириш, суҳбат ва тренинглар ўтказиш каби усуллардан фойдаланиш тавсия этилган [9].

Ўрта таълим мактаб ўқувчиларини фавқулодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида фанлар таркибида интеграциялашган ҳолда “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсини киритилиб, дарслар давомида ўргатилмоқда. Ўқувчиларнинг курс буйича олган билимларни мустаҳкамлаш, фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда, содир бўлганда туғри ҳаракат қилиш буйича кўникмалар ҳосил қилиш учун амалда тўғри ҳаракатларни синаб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Россия олими П.Д. Рудаков томонидан, ўрта таълим мактабларида йилига икки марта уқиш вақтида эвакуация тадбирларини амалга ошириш мақсадида, мактабларда эвакуация буйича объект машғулотларини ўтказиш учун ягона, умумий услубиёт мавжуд эмаслиги аниқланган. Шу сабабли, шундай объект машғулотларни тартибли ўтказиш учун машғулотнинг мақсади ва вазифалари, эвакуацияни амалга ошириш алгоритми, объект машғулотларинини режалаштириш, машғулот иштирокчиларни ҳамда ўқув-моддий базани тайёрлаш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган [6]:



Беларусь Республикасида [7] мактаб ўқувчиларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш мақсадида бир нечта “Ҳавфсизлик марказлари” ишга туширилган. Гомель шаҳридаги марказда 10 дан ортиқ интерфаол майдончалар ташкил этилган бўлиб, буларда ёнгин хавфсизлиги, табиий фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлик, биринчи ёрдам кўрсатиш, ўрмонда ўзини тутиш ва хавфсизлик қоидалари, радиациявий хавфсизлик, криминал хавфсизлик йуналишлари буйича ўргатилади. Ўқувчиларнинг ёшига мослаштирилган ҳолда маълум ҳолатни акс эттирувчи тренажёрлар моделлаштирилган. Ўқувчилар тренажёрларда уйин тариқасида тўғри ҳаракатланишга ўргатилади. Хавфли йулақлар барпо этилган бўлиб, ўқувчилар турли фавқулодда вазиятни бошларидан кечирадилар, масалан тутунли ва коронҒу хонадан чиқиш каби хавфли вазиятларда ўзларини муҳофаза қилиш усулларини синаб кўрадилар. Марказлар фаолияти 2013 йилдан бошланган бўлиб, шундан буён бундай марказларда тайёргарликдан утган болалар ичида ёнгинларда жабрланганлар сони, тайёрланмаган ҳудуддагиларга нисбатан 30 фоизга камайганлиги исботланган.

Юкоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон аҳолисини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши таклиф этилади:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларнинг “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” дастуридаги мавзуларни купайтириш, мавсумни ва ҳудуддаги эҳтимоли мавжуд фавқулодда вазиятларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ва машғулотларни доимий амалга оширилишини назорат ўрнатиш;

истироҳат боғлари ва кунгилочар марказларда ёш болалар учун Беларуссия тажрибасини қўллаган ҳолда, ҳудуддаги эҳтимоли мавжуд фавқулодда вазиятларни турларига мос келадиган фавқулодда вазиятларни акс эттирувчи турли тренажерлар ўрнатиш ва улар ёрдамида фавқулодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш;

умумтаълим мактабларида Фуқаро муҳофазаси куни объект машғулоти сифатида эвакуация тадбирларини амалга ошириш орқали ўқувчилар, ўқитувчилар ва раҳбарларнинг ҳаракатини синаб кўриш;

умумтаълим мактаблари ва “Маҳалла фонди, Ёшлар Иттифоқи билан биргаликда “Фуқаро муҳофазаси куни”ни, ўтказилиши буйича



мусобақалар уюштириш ва рағбатлантириш. Мактаблараро “Энг билимдон кутқарувчи” мавзусида ҚВЗ, мусобақалар ташкил этиш;

мактаб ўқувчиларини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш буйича электрон қўлланмалар базасини яратиш ҳамда Ziyو.Net ва WWW.FVV.uz сайтларига жойлаштириб бориш;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан аҳолининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатларини очиб берувчи телешоу, эшиттиришлар, тўғридан-тўғри мулоқат, кўрсатувларни кўпайтириш;

мухбир, режиссёр каби мутахассисликлар тайёрловчи махсус олий ўқув юртларида талабаларнинг курс иши, диплом иши мавзуларига турли фавқулодда вазиятлар вақтидаги аҳолининг ҳаракатлари, муҳофазаланиш усулларига доир мавзулар киритилиши;

аҳоли орасида онлайн тармоғидаги Facebook. телеграмм кабиларда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш буйича турли тестлар, савол-жавоблар ташкил этиш орқали ғолибларни аниқлаш, рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган тадбирларни амалга ошириш учун фақат хоҳиш ва истак бўлса, имконият топилади деб уйлаймиз. Аҳолини фавқулодда вазиятлар вақтида тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, фавқулодда вазиятлар вақтида жабрланганлар сонининг кескин камайишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрь кунидаги “ Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи туғрисида”ги 455- сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш туғрисида”ги 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сонли қарори.
3. Хусанова С. Аҳоли ва ҳудудларни зилзилалардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ва уларнинг оқибатларини тугатиш. Замоनावий сейсмологиянинг долзарб муаммоларини ечишда геофизик усуллари. Ҳалқаро илмий конференция докладлари тўплами. Сейсмология институту. Тошкент 2018 й. 494 б.



4. Баранин В.А, Рабинков В.А, Опыт стратегического планирования в США противодействия чрезвычайным ситуациям. Стратегия Гражданской защиты: проблемы и защиты. 2015 г. I том. 30 ст.
5. Владимиров В.А, Долгин Н.Н. и др. Готовность ГСЧС к ликвидации чрезвычайных ситуаций при крупномасштабных химических авариях (анализ, выводы, предложение). Стратегия Гражданской защиты: проблемы и защиты. 2012 г.1 том 2. 97-150 ст.
6. Рудаков Д.П. “Организация и проведение объектовой тренировки по эвакуации”. ОБЖ. Основы безопасности жизни. 2012 г. Сентябрь. 24-34 с.
7. Парчук Е.И. “Опыт МЧС Республики Беларусь в организации обучения населения основам безопасности жизнедеятельности”. “Внедрение результатов научных исследований в практическую деятельность оперативных служб МЧС и ГСЧС для определения вероятности возникновения ЧС. установление критериев рисков ЧС и определение степени риска их возникновения” Международная научно-практическая конференция. Сборник научных статей. Ташкент 2018 г. 16 мая. 35-42 ст.
8. <https://fvv.uz>
9. nsportal.ru/detskiy-sad